



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 30 август, № 170 (5844)

Жума

АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ — ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 29 август куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Шу кунларда халқимиз мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги байрами руҳи билан яшамокда. Янги-янги sanoat korxonalari, ta'lim va tibbiyat muassasalari, madaniyat va sport inshootlari, savdo markazlari, turarjoylar, yullar, kўpriklar barpo etilmokda.

Энг улуг, энг азиз айём — Мустақиллик байрами арафасида бундай inshootlarni fойдаланишга topshirish yaxshi an'angaga aylangan. Ana shu xayrli an'angaga muvofiq istiqlolimizning 22 йиллиги байрами oldidan mamlakatimizning barча hududlarida, jumladan, пойтахtimizda kўplab yangi inshootlar kurib bitkazildi.

Президентимиз Ислон Каримов 29 август куни Тошкент шаҳридаги ана шундай inshootlar билан танишди.

Давлатимиз раҳбари пойтахtimizning Хадра майдонига ташир буюрди. Президентимиз раҳнаомлигида пойтахtimizda улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди ва бу борадаги ишлар изчил давом этмокда. Шаҳар қиёфаси ўзининг тарихий жозибасини сақлаган ҳолда янгилашиб, узокни ўйлаб тузилган режа асосида изчил ривожланиб бормокда. Замонавий inshootlar, turarjoylar, ijtimoiy obyektlar, йўл ва кўpriklar, сўлим bog va хиёбонлар barpo etilmokda.

Миллий меъморлик анъаналари ва замонавий шаҳарсозликнинг энг юксак талаблари асосида барпо этилган Мустақиллик майдони, "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройи, Симпозиумлар саройи ва Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонани ўз ичига олган "Маърифат маркази", Ҳазрати Имом мажмуаси, Амир Темур хиёбони, "Бунёдкор" спорт мажмуаси сингари кўплаб inshootlar мазкур йўналишдаги ишларнинг ёрқин намоёнидир.

Хадра майдони — Тошкентнинг тарихий марказларидан бири. Бу ерда Навоий шохқўчаси, Фурқат, Зарқайнар ва Себзор кўчалари узаро кесишади. Майдон атрофида Тошкент давлат цирки, турли идора ва ташкилотлар, savdo мажмуалари, кўп қаватли уйлар жойлашган. Шу боис майдон ҳамisha гавжум, кўчалар серкатнов бўлади.

Аҳоли ва транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун янада қўлай имкониятлар яратилиши мақсадида бу ерда улкан курилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Фурқат кўчасини Зарқайнар ва Себзор кўчалари билан bogлайдиган ер ости

автомобиль йўли реконструкция қилинди. Навоий шохқўчасида 46 метрлик ер ости йўлаги курилди. Фурқат кўчасидан ўтувчи 82 метрлик пиёдалар йўлаги таъмирланди.

Президентимиз мазкур объект билан танишар экан, бундай йирик inshootlarni loyihalashtirish va куришда шаҳарнинг иқлим шароитини ҳисобга олиш, рельефидан оқилона фойдаланиш зарурлигини таъкидлади.

Ўтган асрнинг 80-йилларида Навоий ва Фурқат кўчалари чорраҳасидаги ер ости автомобиль йўли, Хадра майдонининг ён томонидаги кўп қаватли уй курилишида ана шундай табиий омиллар ҳисобга олинмагани, узокни ўйламай иш тутилгани кўплаб ноқулайликлар туғдирар эди. Худуднинг асосий қисми асфальт ва бетон билан қоплангани бизнинг иқлим шароитимизга тўғри келмас эди. Бинолар йўлга жуда яқин курилгани сабабли уларнинг олдида дарахт экишининг ҳам иложи йўқ эди.

Кўп қаватли уйларда яшаётган аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, дам олиши учун имконият яратиш, Хадра майдонида мўътадил иқлимни таъминлаш мақсадида бу ерда улкан favvora бунёд этилди. Favvora 12 метр баландликка кўтарилади. Тунда ранг-баранг чироклар ёғдусида жилонлади.

Мамлакатимизда изчилик билан амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари жараёнида доимо инсон манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим, — деди Президентимиз. — Аҳолининг яшати, меҳнат қилиши, дам олиши, маданий ҳордик чиқариши учун барча қўлайликлар яратилмоғи даркор.

Кўчалар, майдон ва хиёбонларда яшил худудларни кенгайтириш борасидаги ишлар ана шу мақсадга хизмат қилмокда. Каштан, карагай, арча, қайин каби хавони тозаловчи ва кислород билан бойитувчи кўплаб дарахтлар ва гуллар экилиши натижасида пойтахtimiz янада обод ва кўркем бўлиб бораётди. 2012 йилда Буюк Британиянинг нуфузли "Экономист" журналі бўлинимаси — Economist Intelligence Unit (EIU) компанияси эълон қилган рейтингда Тошкент дунёнинг яшаш қўлай бўлган шаҳарлари орасида 58-ўридан жой олгани бунинг далилидир.

Хадра майдонида амалга оширилган курилиш-таъмирлаш ишлари самарасида пойтахtimizда яна бир сўлим маскан пайдо

бўлди. Майдоннинг Навоий шохқўчасига яқин қисмидаги асфальт қопламаси олиб ташланиб, унинг ўрнида яшил майсазор барпо этилди. Манзарали дарахт ва гул кўчатлари ўтказилди. Болалар учун ўйин курилмалари ўрнатилди.

Бино, йўл ва бошқа инфратузилма inshootlarини куришда нафақат бугунги кунни, балки келажак авлодлар манфаатларини ҳам ҳисобга олган ҳолда иш тутиш зарур, деди Ислон Каримов.

Мамлакатимизда, jumladan, пойтахtimizда бунёд этилган замонавий inshootlar, йўллар, кўpriklar, bog va хиёбонларга назар солган киши уларда ана шу эзгу мақсад мужассам эканини сезади.

Биз барча inshootlarni, йўллару кўpriklarни ўз ақлу заковатимиз, куч ва салоҳиятимиз билан кураемиз. Амир Темур бобомизнинг "Агар бизнинг қудратимизга шубҳа қилсангиз, биз курган биноларни келиб кўринг", деган ҳикматли сўзи барча бунёдкорлик ишларимизда дастуриламал бўлмоғи лозим, деди Юртбошимиз.

Президентимиз Хадра майдонининг қиёфасини янада яхшилаш, аҳолининг, аввало, болаларнинг дам олиши учун яратилган қўлайликларни янада ошириш, худудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, favvorаларни замонавий технологиялар асосида такомиллаштириш бўйича зарур кўрсатмалар берди.

Президентимиз "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компаниясининг реконструкция қилинган Қуюв-механика заводи фаолияти билан ҳам танишди.

Юртбошимиз раҳнаомлигида иқтисодиётнинг барча тармоқларида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ўзини юксак самараларини бераётди. Sanoat korxonalarida тармоқларо ҳамкорлик янада мустаҳкамланиб, ишлаб чиқариш жараёнига энг замонавий техника ва технологиялар жалб этилмокда, транспорт-коммуникация тизими инфраструктураси изчил ривожлантирилмокда. Тубдан реконструкция қилиниб, янги қуюв линияси жорий этилган Қуюв-механика заводи Ўзбекистонда темир йўл тармоғини жадал ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг ёрқин натижасидир.

"Дизель локомотивлари паркни модернизация қилиш" лойиҳаси бўйича мазкур корхона "Ўзбекистон темир йўллари" компанияси ихтиёрига берилди. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган қўйма маҳ-



сулотларнинг салмоқли қисми мазкур завод цехларида тайёрланаётди. Айни пайтда бу ерда 1270 мутахассис иш билан банд.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил июнь ойидаги Қуюв-механика заводида юк вагонларини таъмирлаш базасини ривожлантириш, вагон курилишини ташкил этиш ва қуюв ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирларига оид қарорига асосан, 2012 йилдан бошлаб мазкур ишлаб чиқариш тармоғида 150 миллион АҚШ долларилек лойиҳа амалга оширилди. Ушбу лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 48,8 миллион АҚШ долларига тенг кредити ва қолган қисми "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компанияси ҳисобидан амалга оширилди. Завод Германиянинг "Kunkel Wagner", "Otto Junker", "Nederman" компанияларида ишлаб чиқарилган энг замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланди. Таъкидлаш жоизки, лойиҳа асосида заводнинг янги қуюв линиясида ўрнатилган ушбу янги авлод технологиялари Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Энг муҳими, янги қуюв линиясининг модернизация қилинган электр қувватини сезиларли даражада тежаш имконини бераётди. Мазкур лойиҳанинг

аҳамияти шундаки, импорт ўрнини босувчи бир неча турдаги эҳтиёт қисмларни корхонанинг ўзида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Йилга 26,5 минг тонна қуюв маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга мазкур заводда бугунга келиб, 167 турдаги sanoat маҳсулотлари маҳаллийлаштирилди. Бу йилга 15 миллион АҚШ долларлик микро-риважли вагонларни ишлаб чиқариш қуввати иқтисод қилиш имконини беради. Лойиҳа маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотлар учун йилга 15 минг тоннадан зиёд пўлат, 10 минг тоннадан ортқ қўян ва 500 тонна рангли металл қўйиш, шунингдек, 1200 янги вагон куриш, 950 йирик ҳажмли контейнерлар ишлаб чиқариш ва 1500 юк вагонини қайта таъмирлаш имконини беради. Заводда нафақат темир йўл тизимидаги ишлаб чиқариш тармоқлари, балки мамлакатимизнинг етакчи машинасозлик саноати корхоналари учун ҳам зарур эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. 2012 йилда юк вагонларининг янги турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Корхонада янги ишлаб чиқариш турлари ўзлаштирилмокда. Jumladan, юк вагонлари капитал таъмирланиб, модернизация қилинмокда, янги юк вагонлари курилинмокда, қўян, металл ва рангли металл қўйиш, ҳаракат таркиби ва темир йўлнинг устки қис-

мини бутловчи эҳтиёт қисмлар, шунингдек, ностандарт металл конструкциялар каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилмокда.

Келгусида мамлакатимиздаги бошқа sanoat тармоқларининг қуюв маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондириш орқали маҳсулотлар таннархини камайтириш мўлжалланмокда. Заводнинг юк вагонларини куриш қувватини йилга 3 мингтагача ошириш, шунингдек, бошқа турдаги вагонларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш кўзда тутилмокда.

Давлатимиз раҳбари бу ерда яратилган шарт-шароитлар билан танишар экан, ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган замонавий техника ва технологияларнинг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратди.

— Бугунги кунда атроф-муҳит мусаффолигини сақлаш жуда долзарб масаладир, — деди Президентимиз. — Шу боис ишлаб чиқариш жараёнида экологик тоза ва сифатли технологиялардан унумли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Бир пайтлар Ўзбекистоннинг машинасозлик ва металлургия соҳаларини ўзлаштиришда қараганлар ҳам йўқ эмас эди. Эртасига ишонган мамлакат халқига фаронда ёш мутахассислар билан сўхбат асосида бугунги кунда ўзбек ёшлари ақлаковат, иқтидор ва қоби-

лият, интилиш ва ташаббус бобида хорижда ҳам кўпчиликнинг ҳавасини тортаётганини қайд этди.

— Зукко ва тиришқоқ ўғил-қизларимизни кўриб, уларнинг шижоатидан, замонавий техника ва технологияларни осонлик билан ўзлаштираётганидан хурсанд бўламан, — деди давлатимиз раҳбари. — Албатта, ҳар қандай асбоб-ускунаю техника ва технологияни исталганча сотиб олиш мумкин. Аммо касб ва маҳоратни, иқтидор ва қобилиятни сотиб олиб бўлмайди. Ўз иш фаолиятини бошлаган ҳар қандай ёш мутахассис улкан масъулиятни ҳис этиб, иш жараёнида қўлланадиган замонавий техника ва технологияни ишлатишга тайёрмани, деган саволни ўз олдига қўйиши, барча талабларга жавоб бериши, шижоат билан ишлаши керак. Ёшларнинг бундай замонавий технологиялардан фойдаланаётгани бизнинг катта ютуғимиздир.

Мустақиллигимиз берган имкониятларнинг ифодаси бўлган бундай бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари халқимиз фаровонлиги ва ҳаёт даражасини янада ошириш, мамлакатимиз иқтисодиётини изчил ривожлантиришга хизмат қилади.

Президентимиз корхонада ёш мутахассислар билан сўхбат асосида бугунги кунда ўзбек ёшлари ақлаковат, иқтидор ва қоби-

лият, интилиш ва ташаббус бобида хорижда ҳам кўпчиликнинг ҳавасини тортаётганини қайд этди.

— Зукко ва тиришқоқ ўғил-қизларимизни кўриб, уларнинг шижоатидан, замонавий техника ва технологияларни осонлик билан ўзлаштираётганидан хурсанд бўламан, — деди давлатимиз раҳбари. — Албатта, ҳар қандай асбоб-ускунаю техника ва технологияни исталганча сотиб олиш мумкин. Аммо касб ва маҳоратни, иқтидор ва қобилиятни сотиб олиб бўлмайди. Ўз иш фаолиятини бошлаган ҳар қандай ёш мутахассис улкан масъулиятни ҳис этиб, иш жараёнида қўлланадиган замонавий техника ва технологияни ишлатишга тайёрмани, деган саволни ўз олдига қўйиши, барча талабларга жавоб бериши, шижоат билан ишлаши керак. Ёшларнинг бундай замонавий технологиялардан фойдаланаётгани бизнинг катта ютуғимиздир.

Мустақиллигимиз берган имкониятларнинг ифодаси бўлган бундай бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари халқимиз фаровонлиги ва ҳаёт даражасини янада ошириш, мамлакатимиз иқтисодиётини изчил ривожлантиришга хизмат қилади.

Ноҳира МАНЗУРОВА,
Анвар САМАДОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари.
Фарход ҚУРБОНОВ
олган сурат.

30 АВГУСТ — «ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ» ОРДЕНИ ТАЪСИС ЭТИЛГАН КУН



Жасорат, мардлик ва ватанпарварлик рамзи

Азму шижоати, жасорати билан тарихимизда ўчмас из қолдирган Жалолiddин Мангуберди номи, шубҳасиз, авлодлар хотирасида мангу яшайди.

Зеро, унинг жасоратини англаш учун, аввало, у яшаган тарихий давр, шу даврларнинг машаққатли ва бе-шафқат саҳифаларини тасаввур қилиш киёф. Жалолiddин йигирма бир ёшидаёқ шафқатсиз мўғул

қўшинларини тор-мор этишга муваффақ бўлган. Ун бир йил давомида мўғулларнинг гарбий ўлкаларга бостириб киришига тўсиқ бўлиб турди. Ёв қаршисида бош эгмади, тиз чўкмади.

1999 йилда Юртбошимиз ташаббуси билан Жалолiddин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги кенг нишонланди. Урганч шаҳрида унинг муаззам ҳайкали қад ростлади. 2000 йил 30 августда эса "Жалолiddин Мангуберди" орденини таъсис этиш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда).



Эзгулик ва ҳамжиҳатлик фестивали

Мана, бир неча кундирки, гўзал ҳамда бетакор Самарқандда жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган санъат намояндалари ўзларининг концерт дастурларини намойиш қилмокда. Фестивалда қатнашаётган хорижликлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган бунёдкорликлар, бу юрда инсон кадр-қиммати юксак даражада эъзозланаётганлиги хусусида завқ-шавққа тўлиб, ҳаяжон ила дил изҳорларини баён этишапти.

Тодд ЛАВЕЛЛИ (АҚШ), "Шарқ тароналари" IX халқаро мусика фестивали ҳайъати аъзоси:

— "Шарқ тароналари" фестивалининг очилиш маросимида Президент Ислон Каримовнинг табрик сўзларини эшитиб, ниҳоятда

таъсирландим. Халқлар ўртасидаги дўстликни, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, турли юртларнинг санъатини, санъаткорларини бир-бирига яқинлаштириш мақсадида ўтказилаётган бу фестивалга дунё тан бермокда.

Мен ҳам юртингиздаги ўзгаришларни, бунёдкорликларни, инсонлар-

нинг бир-бирига меҳрибонлигини, меҳмондўстлигини кўриб қойил қолдим. Ана шундай бағрикенг халққа, тинчлик ва осудаликда гуллаб-яшнаётган Ватанга чин юракдан таъзим қиламан.

(Давоми 2-бетда).



ОБОД УЙНИНГ ФАЙЗУ БАРАКАСИ

Обод уйда файзу барака бўлади, дейди кексаларимиз. Ҳақ гап. Ахир уйим-жойим, болам-чақам, деб яшайдиган халқимиз. Ишдан ҳориб келганимизда хонадонимиз яшнаб турса, саришта бўлса, чарчоғимиз бир зумда унутилади. Роҳатимиз юз чандон ошади. Утган кунимиздан рози бўлиб, эртанги кунни ёруғ юз, хушқайфият билан қарши оламиз.

Бир пайтлар шундай имкониятлар бормиди?! Ёши улуглар яхши билишди: қишлоқларда иморатлар наҳсадан, гуваладан тиклиниб, усти ҳар йили лойсувоқ қилинарди. Ҳозиргидек ярақлаган томёқичлар қаёда дейсиз?! Бутун қишлоқда шиферли ёки тунука томли уйни урчратмасдингиз.

Ҳозир-чи? Дангиллама иморатлар, намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган уйлари кўриб кўзингиз қунаёди. Бир-бирдан кўркәм, бири-бирдан ҳашаматли. Пишиқ гўштдан тикланган. Асрлар ўтса ҳам нурамайди, етти пуштингиз роҳат қилиб яшайди ўзим. Шукрки, шундай кунларга етидик.

Бугун иморат кўтармоқчимисиз, марҳамат. Бозор тўла қуришчи маҳсулотлари. Сифати зўр. Нархи ҳам арзон. Чунки — ўзимизники! Оддий гўштдан тортиб, замонавий эшик-роғларгача юртимизда ишлаб чиқарилаётти. Бунга биз ҳам баҳолиқудрат ҳисса қўшаётганимизда фахрланамиз. Пировадиди шаҳарларимиз кўркәмлашиб бораётти. Қишлоқларимиз шаҳарлар билан бўйлашаётти. Энг муҳими, одамларнинг кайфияти кўтаринки, мақсади эзгу.

Иеирма икки йил. Шу қисқа вақт ичида қанчадан-қанча иморатлар тикланмади, дейсиз? Ҳў, бу ким учун, нима учун?! Шубҳасиз, биз, фарзандларимиз, эртанги ёруғ келажакимиз учун. Зеро, яратувчанлик ишларини олий мақсад, деб билган эл, албатта, муродига етади.

Акмалжон АХМАДЖОНОВ,
Наманган туманидаги «Element paint» масъулияти чекланган жамияти раҳбари.

1991



2013

2010 йил

Барқамол авлод йилида таълим соҳасини ривожлантириш, авваломбор, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги ўқув муассасалари қуриш ва уларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш масаласига эътибор янада кучайтирилди.

Президентимиз Тошкент шаҳрида барпо этилган “Ватанга қасамед” ҳайкалининг очиштириш бағишланган тантанали маросимда иштирок этди. Ям-яшил боғ марказида қад ростлаган ушбу бетакрор бадий мажмуа Ватанга садоқат, фидойӣ ўғлонларимиз мардлиги ва жасоратининг ёрқин тимсолига айланди.

Тошкентда “Инкирозга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инкироздан кейинги ривожланишининг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Анжуманда дунёнинг 46 мамлакатидан 400 нафардан зиёд давлат ва жамоат арбоблари, бизнесмен ҳамда экспертлар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг таркибига кирувчи тузилмалар, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осие тараққиёт банки ҳамда Ислому тараққиёт банки, ЕврАзЭС каби йирик халқаро ташкилотлар ва молия институтлари вакиллари қатнашди.

Пойтахтимизда Осие тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлиси бўлиб ўтди. Унда Президентимиз нутқ сўзлади.

Аргентинада ўтган ногирон-ампутантлар ўртасидаги футбол бўйича мундиалда иккинчи мартаба чемпиону унвонига сазовор бўлган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ҳаққий жасорат ва фидойилик кўрсатиб, ўзларининг метин иродасини намойиш этди.

Ўзбекистонлик ФИФА рефериси Равшан Эрматов Жанубий Африка Республикаси яшил майдонларида ўтказилган жаҳон чемпионатида илк бор қатнашиб, энг кўп — беш учрашувда бош ҳакамлик қилди.

12 ноябрь кунни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Президентимиз Ислому Каримов “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусида маъруза қилди.

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАСИ

Конституциямизда фуқаролар табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлишлари, мулкдан фойдаланишда экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шартлиги, ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда умуммиллий бойлик саналувчи бошқа табиий захиралардан оқилона фойдаланиш зарурлиги ва улар давлат муҳофазасида эканлиги белгилаб қўйилган. Мазкур конституциявий мажбуриятлар ҳамда ҳуқуқлар табиатни муҳофазасида қилиш соҳасидаги энг асосий мажмуавий характердаги қонун ҳужжати ҳисобланган “Табиатни муҳофазасида қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуниди очиб берилган.

Экологик назорат институтини такомиллаштириш

жамиятда ижтимоий шериклик муносабатларининг ривожланишига хизмат қилади

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Атмосфера ҳавосини муҳофазасида қилиш тўғрисида”ги, “Чиқиндилар тўғрисида”ги, “Ўсимлик дунёсини муҳофазасида қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Ҳайвонот дунёсини муҳофазасида қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги қонунларида, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексидида табиатни муҳофазасида қилиш ва улардан самарали фойдаланиш соҳасида фаолият юритувчи давлат органларининг давлат назоратини амалга оширишдаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам қатъий қўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофазасида қилиш тўғрисида”ги Қонунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг табиатни муҳофазасида қилишга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари, атраф табиий муҳитини муҳофазасида қилишнинг давлат бошқаруви, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идораларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофазасида қилиш давлат қўмитасининг табиатни муҳофазасида қилиш соҳасидаги ваколатлари акс этган.

Табиатни муҳофазасида қилиш соҳасидаги давлат назорати давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари, махсус ваколатли давлат табиатни муҳофазасида қилиш идоралари

ри томонидан амалга оширилиши қайд этилиб, Табиатни муҳофазасида қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридидаги Ер қазрини геологик ўрганиш, саноатда, қончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси, Ички ишлар вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси махсус ваколатли давлат табиатни муҳофазасида қилиш идоралари ҳисобланади.

Мазкур Қонунга қўра, экологик назорат олдига атраф табиий муҳит ҳолатини ҳамда хўжалик юртириш ва бошқа фаолият таъсири остида унда бўладиган ўзгаришларни кузатиб бориш; атраф табиий муҳитни муҳофазасида қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атраф табиий муҳитни соғломлаштириш, табиатни муҳофазасида қилишга доир қонунлар талаблари ҳамда атраф табиий муҳит сифатининг нормативларига риоя этиш борасидаги дастурлар ва айрим тадбирлар бажарилишини текшириш вазифаси қўйилган ҳамда экологик назорат тизими давлат атраф табиий муҳит ҳолатини кузатиб бориш хизмати, табиатни муҳофазасида қилиш соҳасидаги давлат, идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоат назоратидан иборат эканлиги қайд этилган.

Атраф табиий муҳит ҳолатига зарарли таъсир қиладиган ёки но-

мақбул тарзда таъсир этиши мумкин бўлган объектлар, атраф табиий муҳитга тушадиган зарарли моддаларнинг турлари ва микдори, чиқиндиларнинг ҳажмлари ва таркиби ҳам давлат органлари томонидан назорат этиб борилади ва давлат ҳисобига олинади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофазасида қилиш тўғрисида”ги Қонунда экологик назоратни амалга ошириш тартиби, назорат фаолиятини мувофиқлаштириш механизми ва мазмуни, давлат назорат органларининг назорат фаолиятини мувофиқлаштириш, жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорлигининг мазмуни ва механизмлари тўлақонли очиб берилмаганилигини таъкидлаш лозим.

Мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоатчилик тузилмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқлари ҳамда ваколатларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар, давлат органларидан ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида уларни атраф-муҳит муҳофазасида оид муаммоларни ҳал этиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалаларида самарали жамоатчилик экологик назоратини таъминлаб бериш орқали янада кенгроқ жалб қилишни тақозо этади. Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш

концепциясида ҳам бунга алоҳида эътибор қаратилиб, “Экологик назорат тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш фурсати этиб келганлиги таъкидланган эди.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон экологик ҳаракатининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги депутатлар гуруҳи томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

муҳокамасига киритилган ва биринчи ўқишда қабул қилинган “Экологик назорат тўғрисида”ги қонун лойиҳасида, аввало, экологик назоратни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш борасидаги муносабатларни мувофиқлаштиришнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатларини белгилаб бериш кўзда тутилмоқда.

Қонун лойиҳаси билан махсус ваколатли давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари — давлат экологик назоратини амалга оширишнинг субъектлари сифатида ҳамда экологик назорат соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, экологик назорат соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилиши белгиламоқда. Бунда фуқаролик жамияти институтлари ва фуқаролар атраф-муҳитни муҳофазасида қилиш таъминлаш тизими самарадорлигини кучайтириш учун экологик назоратини амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро ҳамкорлик қиладилар.

Қонун лойиҳасига қўра, экологик назорат соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари ўз ваколатлари доирасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда фуқаролар билан ўзаро ҳамкорликда атраф-муҳитни муҳофазасида, табиий ресурслардан фойдаланиш ва тақдор кўпайтириш соҳасида давлат

назоратини амалга оширадиган ҳамда атраф-муҳит ифлосланиши, табиий ресурслардан нооқилона фойдаланишга олиб келиши мумкин бўлган, шунингдек, фуқаролар соғлиги ва ҳаётига ҳарф солувчи фақуллода вазиятларни кузатиш ҳамда эрта олдини олиш, аниқлашнинг самарали тизими яратилиши таъминлайдилар.

Экологик назорат соҳасидаги махсус ваколатли давлат органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлиги, шунингдек, уларга жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишда, жамоатчилик экологик назоратининг атраф-муҳит ифлосланишига, табиий ресурслардан нооқилона фойдаланишга олиб келиши мумкин бўлган вазиятларни аввалдан оголантириш, олдини олишнинг самарали тизимини яратилишида жамоатчилик инспекторлар институтини шакллантириш ва уларнинг ўқувини ташкил этишга қўмақлашиш назорат тугилишига қонун лойиҳасининг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади.

Айни пайтда мазкур қонун орқали давлат экологик назоратини амалга оширувчи экологик назорат соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари мансабдор шахсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳам белгилаб қўйилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши атраф-муҳитнинг ифлосланиши, шунингдек, фуқаролар ҳаёти ва саломатлигига ҳарф солиши мумкин бўлган вазиятларни назорат қилишнинг, улар ҳақида аввалдан оголантиришнинг, кузатиб боришнинг самарали тизимини яратиш, давлат, идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоатчилик экологик назоратининг самарадорлигини ошириш, экологик назорат соҳасидаги махсус ваколатли давлат органларининг назорат фаолиятларини ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосларини ва ташкилий механизмларини янада такомиллаштириш имконини беради.

Муҳаммадмусо БАБАҲАДЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофазасида қилиш давлат қўмитаси Ер ва сув назорати бош бошқармаси бошлиғи.

Жасорат, мардлик ва ватанпарварлик рамзи

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Пировадиди бу юртимизда тарихий аъналаримиз, эзгу қадриятларимиз қайта тикланаётганининг яна бир далили бўлди.

Мазкур орден билан мустақиллигимизни, Ватан сарҳадларини, она-юрт туپроғини ҳимоя қилиш ҳамда уни кўз қорачигидек асрашда юксак ҳарбий маҳорат, қаҳрамонлик ва жасорат намуналарини кўрсатган, давлатимизнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшган қўмондонлик таркибига кирувчи ҳарбий хизматчилар муқотланадилар.

“Давлат муқотлари тўғрисида”ги Қонунда фуқаролар билан бир қаторда, айрим ҳолларда корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, ижодий жамоалар ва ҳарбий бўлинмалар, шу билан бирга, мамлакатимизнинг маъмурий-худудий бирикилари ҳам ушбу орден билан тақдирланиши мумкинлиги қайд этилган.

Айни пайтга қадар Юртбошимиз фармонларига биноан, бир қатор ҳамюртларимиз мазкур орден билан муқотланган. Бундан ташқари, 2003 йилда Хоразм вилояти аждодларимизнинг тарихий ва маънавий

аъналарини, мардлик ва жасорат намуналарини асраб-авайлаб, муносиб давом эттириб келаётгани, ёш авлодимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги улкан хизматлари учун давлатимизнинг юксак муқототи — “Жалолиддин Манғуберди” ордени билан тақдирланди.

Умр ўткинчи. Аммо юрт манфаати, тинчлиги, осойишталиги йўлидаги ибратомуз фаолият абадиятга дахлдордир. Шу маънода, бор-йўғи, ўттиз икки йил умр кўрган бўлса-да, юрт озолиги учун жонини фидо қилган Жалолиддин Манғуберди номи тарих зарварлариға муҳрланди. Яна бир ҳаётий сабоқ шундаки, унинг қаҳрамонлиги юртимизнинг беғубор осмони, осуда ҳаётини кўз қорачигидек асраб-авайлашга ундай-веради.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ.

Очиқлик ва ошқоралик тамайили асосида

Ахборотни эмин-эркин олиш ҳамда уни тарқатиш ҳуқуқи мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнининг муҳим бўғини саналади. Президентимизнинг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий экспертиза ўтказиш ҳақидаги Фармойиши шу маънода ҳар бир фуқаро манфаатларига хизмат қиладиган муҳим ҳужжат сифатида аҳамиятлидир. Айни чоғда Бухоро вилоятида ўтказилаётган мазкур ҳуқуқий тажриба фуқаролар билан нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва давлат ҳокимияти органларининг ўзаро муносабатларини изга солади, ошқоралик тамайилини мустаҳкамлайди. Буни муҳбиримиз билан шу мавзуда сўбатланган юртдошларимизнинг қуйидаги фикрлари ҳам тасдиқлайди.

ҲУҚУҚИЙ ТАЖРИБА

Р. СОҲИБОВА,
“Меҳр-шафқат ва саломатлик” жамғармаси Бухоро вилояти бўлими раиси:

— Касбим журналист бўлгани учун яхши биламан, ахборот олиш эркинлиги деган тамайил асосида, энг аввало, ОАВда ишловчи ходимларнинг манфаатлари муҳим ҳиссам. Негаки, ўз вақтида ва ҳолис ёритилган воқеа-ҳодисалар тафсилоти пировадиди аҳолининг ахборотига бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади. Шу нуктадан назардан, вилоятимизда ўтказилаётган ҳуқуқий эксперимент нодавлат нотижорат ташкилотлари учун ҳам фойдали тадбирдир. Биз эндиликда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, исталган давлат бошқаруви органи фаолиятига оид кўплаб маълумотларни олиш имконига эгамиз. Бу эса у ёки бу масалада уллар билан ижтимоий шериклик алоқаларини ўрнатишимизда асқотади, фаолиятимиз камровининг кенгайишига олиб келади. Қолаверса, интернет воситасида тегишли корхона ёки ташкилотга мурожаат билан чиқишимиз ҳамда ўзимизни қизиқтирган саволларга жавоб оlishимиз мумкин.

Ишонманки, ушбу ҳуқуқий тажриба жамиятимизда демократик тамайилларнинг янада чуқур илдиэ отишига, давлат бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашга хизмат қилади.

А. АДИЛОВ,
“Ўзагросуғурта” давлат-акциядорлик суғурта компанияси (ОАЖ) вилоят дирекцияси директори:

— Вилоятимизнинг ҳуқуқий тажриба майдони сифатида танлангани зиммамизга катта масъулият оқлайди, албатта. “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши профессионал иш фаолиятимизда муҳим ўрин тутди. Негаки, биз, асосан, фуқаролар билан ишлаймиз, жисмоний ҳамда юридик шахслар билан муносабатга киришамиз. Суғурта агентлари фуқаролар билан мунтазам муомалада бўлишади. Шу жараёнда жисмоний ва юридик шахсларда суғурталаш жараёни билан боғлиқ кўплаб саволлар туғилиши табиий. Бу эса фаолиятининг очиқлиги ва ошқоралигини ҳаётий зарурат даражасига чиқаради. Шунга қўра, вилоят дирекцияси ҳуқуқий тажриба талаблари доирасида бир қатор ишларни амалга

оширди. Чунончи, маъмурий бино фойебига киоска ташкил этилди. Бу ерда суғуртага оид қонунчилик ҳужжатлари, “Ўзагросуғурта” давлат-акциядорлик суғурта компанияси фаолиятига дахлдор маълумотлар жамланган брошюралар, тўпламлар мавжуд. Суғурта турлари, раҳбарият томонидан фуқароларни қабул қилиш кунлари ҳам аниқ қайд этилган. Жисмоний ва юридик шахслардан мурожаатларни рўйхатга олиш китоби бор. Бу ерда, шунингдек, замонавий ахборот технологияларидан ҳам фойдаланиш имконияти яратилган. Инфокиоска ёрдамида исталган киши ташкилот фаолиятига доир маълумотларни, янгиликларни билиб олади.

Фуқароларга, барча қизикувчиларга қулайлик яратиш мақсадида компаниямиз томонидан махсус сайт очилган. Истаган киши интернет орқали agros.uz сайтига кириб, тизим фаолияти билан танишиш имконига эга. Ўз навбатида, мутахассисларимиз зарур янгиликларни, амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги маълумотларни ҳам ушбу сайтга жойлаштириб боришади. Бу эса мамлакатимиз ҳақи худудда бўлмасин, маълумот олиш истагидаги фуқаро учун жуда қулай. Айни пайтда нафақат дирекциямиз, балки туманлар-

даги бўлимларимизда ҳам ахборот олиш, фаолият очиқлиги учун барча зарур шарт-шароит яратилган.

Ш. ЯКУБОВ,
Бухоро давлат тиббӣт институту талабаси:

— Институтимиз талабалар илмий жамияти аъзосиман. 2010 йилда “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” ҳамда “Меҳр нури” жамғармалари ҳамкорлигида эълон қилинган “Иқтидорли талабалар учун стипендиялар” дастури доирасидаги танловда фойлибар сафидан ўрин олганман. Ҳозир устозларим кўмагида илмий излашлар омиб бораётиман. Ҳаракатларим зое кетмапти: ўтган ўқув йилида Абу Али ибн Сино номидидаги стипендия соҳиби бўлдим.

Булар ҳақида тўхталишим бежиз эмас. Ютуқларим керакли ахборотларни олиш учун яратилган шарт-шароитлар туфайлидир. Юртбошимиз Фармойиши билан ўтказилаётган ҳуқуқий тажриба бу борадаги имкониятларни янада кенгайтирмоқда. Негаки, эндиликда ҳуқуқий эксперимент майдони сифатида танланган исталган корхона ва ташкилотдан зарур ахборотни бир зумда олиш мумкин. Бу эса биз, ёшлар учун жуда муҳим. Масалан, мен институтни туғатиш, хусусий клиника очмоқчиман. Бунда солиқ қонунчилиги, тadbиркорлик фаолиятига оид кўплаб ҳуқуқий билимларга эга бўлиш зарурати туғилади. Шунда тегишли ташкилот веб-сайти орқали ўзимни қизиқтирган саволларга жавоб топанам. Давлат бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги, аёнки, шунга имкон беради.

Истам ИБРОҲИМОВ
ёзиб олди.

Эзгулик ва ҳамжиҳатлик фестивали

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Фрэнки РАДЕН
(Индонезия),
ҳайъат аъзоси:

— Куй-қўшиққа ошно тутинган киши яхшиликка, эзгуликка мойил бўлади. Ўзбекистонда “Шарқ тароналари” мусиқий халқаро фестивали ҳар икки йилда ўтказиб келинаётганлиги — мамлакатингизда санъатнинг, эзгуликнинг, дўстликнинг, ҳамжиҳатликнинг юксак қадрланишидан далолат беради.

Юртингизга илк бор ташриф буюришим. Сизларга ҳавасимиз келаяпти. Президент Ислому Каримов санъатга, маданиятга ва барча соҳаларга алоҳида эътибор қаратар экан. Биз билан ҳам самимий сўхбатлашдилар. У кишининг “Шарқ тароналари”нинг очилиш маросимида айтган фикрлари санъат ва мусиқага бўлган дунёқарашини буткул ўзгартириб юборди. Айтмоқчиманки, бундай мамлакатда яшаш — улкан бахт.

Шандор САБО
(Венгрия),
мусиқшинос:

— “Шарқ тароналари” IX халқаро фестивалида қатнашиб, юртингизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганлигига ҳам гувоҳ бўлдим. Одамлар Ўзбекистонда бахтли, фаровон ҳаёт кечираётганлигини кўрдим. Турмуш гузал, ҳаёт тўқис бўлгандагина, куй-қўшиқ қалбларга завқ бағишлайди.

Сашар ЗАРИФ
(Канада):

— Ҳар гал тажриба ошириш учун фестивалга ташриф буюриб, Ўзбекистон жадаллик билан ривожланиб бораётганлигига гувоҳ бўламан. Бу сафар ҳам шундай бўлди. “Шарқ тароналари” фестивалига пухта тайёргарлик қўрилгани очилиш маросими тантаналарида кўзга аққол ташланди. Қолаверса, ободонлаштириш борасида ҳам кўп иш қилинган. Ватанимга қайтиб борганимда, юртдошларимга ана шулар ҳақида ҳикоя қилиб бераман.

«Халқ сўзи» муҳбири
Мамадиёр ЗИЁДИНОВ
ёзиб олди.



ХАР КИМ МУРОДИГА ЕТАДИ

Мустақиллик бизга эмин-эркин ишлаш, ўзимиздаги ички имкониятларни юзага чиқариш имконини берди. Мулк шакли ўзгарди. Тадбиркорликнинг қонуний асослари яратилди. Ишлайдиган давр келди. Деҳқоннинг елкасига офтоб теги.

Мана, хўжалигимизни олиб кўринг. Минерал ўғит, ёқилги махсус шохобчалар орқали етказиб берилган. Уруғлик, сув таъминотида муаммо йўқ. Хар ишли пахта ва бугдойдан мўл ҳосил етиштиряямиз. Қолаверса, уруғлик дон ва уруғлик пахта тайёрлаш эвазига бир ярим баравар кўп фойда олаямиз. Ишчиларимиз манфаатдорлигидан-ку сўз очмай кўя қолай.

Тўрт фарзандимдан икки қизим олий маълумотли. Уғилларим ҳам ўқиб, эл-юрт қорига ярайдиган ишлар бўлиб улгайишмоқда. Қишлоғимизда барчанинг рўзғори бут, хонадон тиш ва обод. Гоҳи талабаларимиз даврини эслаб қоламан. "Ким эдигу ким бўлдиқ?" дея ўйланаман. Утган кунлар — ёшлигим қўноқлари кўз ўнгимдан кинолентадек лип-лип ўтади. Аммо бузуғнинг — овоз ва обод мамлакатимизнинг фароғатли кунлари кайфияти бамисоли офтобдек қалбимда ҳузурбахши руҳият уйғотади. Сўнг чехрам ёришиб, давуру давринимиза шукрона айтаман. "Хат нақадор ёзув!" дея ҳайқиргим келади.

Қобил Қўлдошев, Вобкент туманидаги «Нурли замин саховати» фермер хўжалиги раҳбари.

Мустақиллик сурури

1991



2013

2011 йил

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурига мувофиқ, мамлакатимизда мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантириш, ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириб, янги иш ўринлари яратиш ҳамда шу асосда аҳоли даромадларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Термиз шаҳридаги «Сурхон» спорт мажмуасининг ўн минг томошабинга мўлжалланган стадионидан ўрта махсус, касб-хунар таълим тизими ўқувчиларининг «Баркамол авлод — 2011» спорт ўйинлари республика босқичи бўлиб ўтди.

Тошкентда «VI Умумжаҳон сув форуми сари — сув ҳавфизлиги йўналишида ҳамкорликдаги савий-ҳаракатлар» мавзусида халқаро конференция ўтказилди. Дунёнинг 32 мамлакатидан 350 дан ортиқ экспертлар, танқидчи олимлар, экологлар, сув хўжалиги соҳаси мутахассислари қатнашган мазкур тадбирда Президентимизнинг конференция иштирокига қўллов мурожаати ўқиб эшиттирилди.

Давлатимиз раҳбари «Насаф» футбол клубининг Қарши шаҳридаги замонавий футбол базасини бориб кўрди. Футболчилар ва мураббийлар билан суҳбатлашди. Президентимиз «Насаф» футбол клуби жамоасига замонавий автобус совға қилди. Бундай юксак эътибор ва ғамхўрлик натижасида орадан тўрт ой ўтиб, «Насаф» жамоаси ўзбек футбол тарихида илк бор «ОФК кубоги» халқаро турнирида голибликни кўлга киритди.

Ўзбекистон «Save the children» («Болаларни асрайлик») халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингинида болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатилаётган энг илгор етакчи ўн мамлакат қаторига киритилди.

Пойтахтимизда «Фонд Форум» ҳамда «Ўзбекино» Миллий агентлиги ҳамкорлигида «Олтин гепард» биринчи Тошкент халқаро кинофоруми ташкил этилди.

Президентимиз Тошкент шаҳрида бунёд қилинган «Маърифат маркази» биноси билан танишди. Ушбу улкан қошуна истиқлол йилларида пойтахтимиз марказида барпо этилган Ёшлар ижод саройи, Тасвирий санъат галереяси, «Пойтахт» бизнес маркази каби бетакрор иншоотларга жаҳоннинг тарзда яхлит композицияни ташкил қилган. Ватанимизнинг бундай маъноси — Мустақиллик майдонига туташ мазкур худуд бетакрор ландшафт дизайни билан гўзал қиёфа касб этган.

Тошкент шаҳрида «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она — соғлом бола» мавзусидаги халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Ушбу халқаро анжуманда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар ҳамда Аҳолишунослик жамғармалари каби нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари, қирққа яқин мамлакатдан соғлиқни сақлаш вазирликлари раҳбарлари, тиббиёт соҳасида жаҳонда тан олинган машҳур олимлар, халқаро эксперт ҳамда таҳлилчилар қатнашди.

Маҳалла тизимини ривожлантириш йўлида

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан маҳалла институти янада такомиллаштириш борасида белгиланган чора-тадбирлар, эришилган натижалар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган анжуман ўтказилди.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Унда Фонд мутасаддилари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари, фуқаролар йиғинлари раислари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини ва жамиятдаги нуфузини ошириш, унинг ташкилий-хуқуқий асосини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, бугун «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан маҳаллаларда миллий

урф-одат, анъана ва қадриятларимизни тарғиб этиш, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, яқка-ёғиз фуқаролар, ногиронларни ижтимоий химоя қилиш, фуқаролар йиғинлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ишлари изчиллик билан давом этириляётган. Буни жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Фонд томонидан 260 дан ортиқ фуқаролар йиғинининг биноси жорий, 49 таси капитал таъмирлангани ҳамда 712 та маҳалла компьютер жамланмаси билан таъ-

минлангани ва 749 тасининг мебелъ жиҳозлари янгилангани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Айни чоғда 40 га яқин замонавий маҳалла ягузларини қуриш ишлари якунига етказилмоқда.

— Фаолиятимиз давомида ёшларни хар томонлама етув ишонлар сифатида тарбиялаш, уларнинг спорт билан шуғулланишига шароит яратиш берилган масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилаяпти, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари

Г. Алимова. — Хусусан, «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида маҳаллаларда жами 134 та болалар майдончаси барпо этилди, 500 га яқини қайта таъмирланди. Бундан ташқари, жорий йил якунига қадар ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда минифутбол, баскетбол, волейбол ва бошқа спорт турларига ихтисослаштирилган 227 та янги майдонча қуриш режалаштирилган. Фонднинг асосий фаолият йўналишларидан бири фуқаролар йиғинларини ўқув-услубий адабиётлар билан таъминлашдан иборат бўлиб, бу йўналишда ҳам муайян ишлар қилинмоқда.

Тадбирда эътироф этилганидек, тизим фаоллари томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар

маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда муҳим омили бўляётган.

Шунингдек, анжуманда маҳалла ва оммавий ахборот воситалари ходимлари малакасини ошириш мақсадида ўтказилаётган ўқув-семинарлар, маҳалла фаолияти бўйича яратилаётган ҳужжатли фильмлар, режалаштирилаётган халқаро давра суҳбатлари, хоризга тарқатилиши кўзда тутилган китоблар ҳамда маҳаллалар фаолиятини такомиллаштириш ва илгор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида ташкил этилаётган кўрик-танловлар хусусида батафсил маълумот берилди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА



Бугун мамлакатимизда жисмоний ва юридик шахсларга банк хизматларини кўрсатишда чет эл капитали иштирокидаги «Савдогар» очиқ акциядорлик-тижорат банки жамоаси ҳам ўз олдиға қўйилган вазифалардан келиб чиқиб фаол иштирок этмоқда. Бунда, айниқса, молия-банк соҳасига яратилаётган имкониятлардан самарали фойдаланилмоқда.

Натижалар эса йил сайин яхшиланаиб бормоқда. Дейлик, банк акцияларининг XVI эмиссияси муомалаға чиқарилиб, акциядорлар ва инвесторлар орасида жойлаштирилди. Банк устав капитали эса 42 млрд сўмға етказилди.

дек, банк томонидан тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 3 млрд. 752 млн. сўм миқдорда кредитлар ажратилди.

Шу билан бирга, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чора-молларини кўпайтириш мақсадида

ланишини қисқартириш борасида изчил ишлар олиб бориляётган. Ушбу йўналишдаги тадбирларни жадаллаштириш, жисмоний шахслар ўртасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажмини ошириш, республикамиз молия бозорига пластик карточкаларга асосланган замонавий усулни кенг жорий этиш банк фаолиятининг диққат марказидан жой олган. Бугунги кунда банк томонидан муомалаға чиқарилган пластик карточкалар умумий сони 170 миңгача, терминаллар сони 3800 тадан ошиб кетди.

Сир эмас, қундалик турмушимизни ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Хозир банк томонидан фаолият ҳаётида замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш орқали янги хизмат турларини тақ-

«Савдогар» банк:

АМАЛИЙ ЛОЙИХАЛАР, САЛМОҚЛИ НАТИЖАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва унинг барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида банкнинг кредитға лаёқатлилик бўйича халқаро рейтинг олиши юзасидан «Мудис» халқаро рейтинг компанияси билан фаол иш олиб борилди. Натижада 2011 йил ноябрь ойида мазкур рейтинг агентлигининг «Барқарор» рейтингини олинди ҳамда жорий йил 26 августда ушбу халқаро эътироф янгиланди.

1 млрд. 351 млн. сўм миқдорда микрокредитлар тақдим этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан, ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ажратилган кредитлар миқдори 10 млрд. 372 млн. сўмни ташкил этмоқда. Ўз навбатида, давлатимиз раҳбарининг «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish юзасидан қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришга ажратилган кредитлар миқдори 16 млрд. 306 млн. сўмни ташкил этди.

Шуни айтиш керакки, ҳозир республикамиз ҳудудида «Савдогар» банкнинг 22 та филиали, 25 та минибанки, 45 та махсус кассаси ва 40 та халқаро пул ўтказиш шохобчаси фаолият юритмоқда ҳамда миқдорларға намунали банк хизматлари кўрсатиб келмоқда.

Дарҳақиқат, банкда мамлакатимиз иқтисодиётининг устувор йўналиши ҳисобланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, шу асосда хизмат кўлами кенгайтирилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври давомида барча манбалар ҳисобидан 30 млрд. 991 млн. сўм кредит маблағлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадиға йўналтирилди. Шундан 14 млрд. 407 млн. сўми микрокредитлар эканлиги, айниқса, эътиборға молиқдир. Шунинг-

дими қилиш ва уларнинг сифатини оширишга алоҳида эътибор берилаятган. Бу борада банк филиалларини молиявий ёрдами катта бўляпти. Натижада ички ахборот оқимини самарали ташкил этиш ва оқилана бошқаришга эришилмоқда. Кейинги йилларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган «СМС-банкнинг», «Интернет-банкнинг» ва «Банк-мижоз» каби интерактив хизматлар тизимидан фойдаланиш даражаси бир неча марта ошганини алоҳида қайд этиш лозим.

Бугунги кунда «Савдогар» банки аҳолиға миллий валюта шаклида бир неча омонат турларини тақлиф қилмоқда. Жумладан, болалар 16 ёшға етгунға қадар «Бахтли болалик» жамғарма омонати, «Хазина», «Янги йил баракаси», «Бой-чечак», «Кўклар нафаси», «Омад қувончи», «Обод турмуш» ва турли мўддатларға белгиланган омонатлар шулар жумласидандир.

Албатта, бу натижаларға осонликча эришилаётгани йўқ. Бунинг замирида жамоанинг ҳамжиҳатлиги ва фидоий меҳнати муҳасамдир. Обод турмуш йилида банклар олдиға қўйилган устувор вазифалар «Савдогар» ОАТБ жамоаси зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклаши табиий. Мазкур молиявий муассаса ходимлари ана шундан келиб чиқиб, юртими аҳолиси, тадбиркор ва фермерларига намунали хизмат кўрсатишга, уларнинг ишончли мададкори бўлишға астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Банк матбуот хизмати.

Ўзаро ҳамкорлик — муваффақият гарови

Биз бугун инсон манфаати устувор бўлган, унинг қадр-қиммати юксак тутилган мамлакатда яшаймиз. Зеро, хозирги кунда қай бир соҳани олманг, инсоннинг фаровон турмуш кечириши, унинг эркин ишлаши учун барча шарт-шароит яратиб берилмоқда.

ДИЛ СЎЗИ

Бундай улкан ўзгаришлар, янгиланишлар, эътибор ва ғамхўрлик, табиийки, шу юрда истиқомат қилаётган ҳар бир инсонни янги марралар сари ундаб, ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишға чорламоқда. Масалан, тадбиркорлик соҳасини олайлик. Юртбошимиз томонидан мазкур тармоққа истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб катта эътибор қаратилаяпти, бунинг самараси амалда намоён бўлмоқда.

Яратилаётган имконият ва имтиёзлар биз, ишбилармонларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшапти. Албатта, ҳар қандай тадбиркорлик пухта бизнес-режа ва молиявий маблағ орқали шакллантирилади. Шу маънода айтиш мумкинки, тадбиркорнинг иши молия муассасаларининг миқдораси билан чамбарчас боғлиқ. Икки томон ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорлик эса муваффақият гаровидир.

Таъкидлаш керакки, сўнги йилларда банк ва миқдор ўртасидаги масофа тора «қисқариб» бормоқда. Яъни молия муассасаларининг миқдор учун қўлай шартларда тақлиф этаётган хизматлари тури кенгайтиргани ўзаро алоқаларни мустаҳкамламоқда. Бу борада, айниқса, «Микрокредитбанк» ўзига ҳос тажрибаға эға.

Чунки молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида мазкур банк тадбиркорларнинг ҳақиқий кўмакчисига айланган. Банк томонидан тақлиф этилаётган хизматларнинг бари, биринчи навбатда, миқдор манфаати устуворлигини кафолатлайди. Бунга бизнинг фаолиятимиз ҳам яққол мисол бўла олади. Гап шундаки, бундан етти йил аввал «Достон акфа плюс» хусусий корхонасини ташкил этган бўлсак, ўтган вақт мобайнида «Микрокредитбанк» билан ҳамкорлик қилиб кам бўлмади. Банкнинг ишбилармонлиқни ривожлантиришға қаратилган турли кредитларидан мақсадли фойдаланиб, фаолиятимизни тобора кенгайтириб келаямиз.

Бугунгача банк кредит хизматларидан тўрт марта фойдаландик. Хусусан, ўтган йили банкнинг 60 миллион сўмлик микролизинги ҳисобига хориждан тузани қайта ишлаш ускунасини харид қилган бўлсак, 98 миллион сўмлик микролизинг эвазига тузани қадқолаш технологиясини келтирдик. Айни пайтда ушбу замонавий ускуналар ёрдамида бир кунда 3 тоннагача ош тузини қайта ишлаб, қадқолаямиз. Бу ишларни корхонамизда меҳнат қилаётган 20 нафардан зиёд ишчиларимиз амалға оширмоқда.

Шу билан бирга, биз ишлаб чиқараётган алюминий профил ва бошқа маҳсулотлар ҳамда бежирим зина тутқичлари юртимизда бунёд этилаётган замонавий ва кўркем биноларнинг кўркиға кўрк қўшмоқда. Яқинда эса Самарқанд шаҳридаги «MAN» заводи билан 500 млн. сўмлик шартнома туздик.

Жорий йилда ҳам «Микрокредитбанк» тадбиркор аёллар ва ёшларни қўллаб-қувватлашни фаолиятидаги муҳим йўналиши деб билаётгани биз учун катта имкониятдир. Энг муҳими, қилдиға хунари бор инсон ушбу банк эътиборидан четда қолмаяпти. Уларнинг қобилияти, иштиёқи ва маҳорати банк маблағлари эвазига рўйба қичмоқда. Бундан эса жуда мамнунми.

Интизорбону АБДАЛИНЭЗОВА, Чирчиқ шаҳридаги «Достон акфа плюс» хусусий корхонаси раҳбари.

Эълонлар

«KO'CHMAS MULK SAVDO KIZMATI» МЧЖ Навоий вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказилайдиган аукцион савдосига тақлиф этади.

1. Аукцион савдосига Навоий шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Навоий вилояти судининг 2012 йил 9 ноябрдаги 09-53/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Кармана тумани, Ф. Хўжаев кўчаси, 3-уйда жойлашган, умумий ер майдони 3111,04 кв.м. (шундан яшаш майдони 889 кв.м. бўлган 11 хонали уй) бўлган нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш шеҳи биноси тақроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 297 844 200 сўм.

2. Аукцион савдосига Навоий шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Навоий вилояти судининг 2012 йил 9 ноябрдаги 09-55/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Кармана тумани, Ф. Хўжаев кўчаси, 3-уйда жойлашган, умумий ер майдони 1400,0 кв.м. (шундан яшаш майдони 75,8 кв.м. бўлган 2 хонали уй) бўлган нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш шеҳи биноси тақроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 68 456 700 сўм.

3. Аукцион савдосига Навоий шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Навоий вилояти судининг 2012 йил 9 ноябрдаги 09-54/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Кармана тумани, Ф. Хўжаев кўчаси, 3-уйда жойлашган, умумий ер майдони 3183,0 кв.м., яшаш майдони

137,6 кв.м. бўлган 5 хонали уй тақроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 232 406 100 сўм.

4. Аукцион савдосига Навоий шаҳар СИБ томонидан ФИБ Кармана туманларо судининг 2012 йил 16 ноябрдаги 1-3473-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Навоий шаҳри, Ибн Сино кўчаси, 18-уй, 23-хонадонда жойлашган, умумий майдони 45,02 кв.м., фойдаланиш майдони 60,89 кв.м. бўлиб, А, А1 литерларда белгиланган 3 (уч) хонали хонадон тақроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 34 774 200 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 4 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2013 йил 2 октябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига қичиб танишиш мумкин.

Талборлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатидан ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Навоий вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Навоий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамиға тўлашлари шарт: 20208000504920609007, МФО: 00205, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказилайдиган манзил: Навоий шаҳри, П. Очлов кўчаси, 24-уй. Телефон: (8-436) 224-15-61. www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

Республика қорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар уюшмаси жамоаси уюшма раиси Баҳром Норқобиловага палари бузруквори ТўРА отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихзор этади.

Республика «Оила» илмий-амалий маркази жамоаси лойиҳа раҳбари, педагогика фанлари номзоди, доцент Давронкул Равшанович ХОЛИҚОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия ихзор этади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Корақамий кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52. www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.




«ЎЗПАХТАСАНОАТ»

уюшмаси, унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий бирлашмалари, тизимнинг пахтани қайта ишлаш корхоналари жамоалари

мамлакатимиз аҳолисини Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги шодиёнаси билан самимий қутлайди!

*Истиқлол туфайли бугун юртимизни дунё таниди.
Иқтисодиётимиз ривожланиб, аҳоли турмуш
даражаси кун сайин юксалиб бормоқда.
Шундай шуқуҳли кунларда тилагимиз, юртимиз
ҳамиша обод, осмонимиз мусаффо бўлсин,
хонадонларимиздан бахт-саодат,
файз-барака аримасин!*



*Мустақиллик айёмингиз
муборак бўлсин!*

Истиқлол байрами билан
барча юртдошларимизни муборакбод этамиз!
Тинчлик ва осойишталигимиз барқарор, хонадонларимиз
фаровон, юртимиз янада кўркам ва обод бўлсин!

НАМКОРБАНК
Биргаликда юксалиш сари



«ЎЗКИМЎСАНОАТ»

давлат-акциядорлик компанияси

республикаимиз кимёгарлари номидан
**Ўзбекистон халқини ҳаммамиз учун энг улуғ, энг азиз сана —
Ватанимизнинг Мустақиллик куни
билан табриклайди!**

*Ушбу нурафшон айёмда барчага мустаҳкам соғлиқ,
яхши кайфият, оилавий бахт-саодат ва янгидан-янги
муваффақиятлар тилаймиз!*

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Эълон

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

«Capital Realtor Group» МЧЖ Самарқанд филиалида 2013 йил 27 сентябрь куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Самарқанд шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан ЖИБ Самарқанд вилояти судининг 2012 йил 22 ноябрдаги 91-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Самарқанд шаҳри, Нарпай кўчаси, 170-уйда жойлашган, умумий майдони 1738,9 кв.м. бўлган, собиқ уй-жой комбинатининг «А» литердаги биноси.
Бошланғич баҳоси — 324 752 452 сўм.
2. Самарқанд шаҳри, Нарпай кўчаси, 170-уйда жойлашган, умумий майдони 3544,62 кв.м. бўлган собиқ уй-жой комбинатининг «А», «Б», «Б-2» литерлардаги диспетчер биноси ва айвони.
Бошланғич баҳоси — 665 899 511 сўм.

Ушбу кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридидаги закат пулини тўлов ҳужжатидида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Самарқанд шаҳри,
Мирзо Улуғбек кўчаси, 150-уй, 3-қават.
Телефон: (8-366) 234-06-38.

Лицензия: № RR-0017.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 854. 79 620 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳфаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.50 Топширилди — 03.20 1 2 3 4 5

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Набатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Набатчи — С. Махсумов.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.